



СОВЕТ ҲУКУМАТИ ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЎРТА МАХСУС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ АҲВОЛИ (ҲАЗАРБОҒ КАСБ ҲУНАР ТЕХНИКУМИ МИСОЛИДА)

Хасанова Нодира Ибрагимовна

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7475949>

ARTICLE INFO

Received: 13th December 2022

Accepted: 21th December 2022

Online: 23th December 2022

KEY WORDS

Ҳазарбоғ, "С-80" двигатели, ВЦСПС, Автодром.

ABSTRACT

Ушбу мақолада советлар давридаги таълим тизими ва улар ташкил қилган турли хил ўқув юртлари ва уларнинг турли мақсадларга йўналтирилганлиги ҳақида айтилади. Бундан ташқари ўзлаштирилган ерларга турли хил ерлардан кўчириб келинган меҳнаткашларнинг машаққатли меҳнати шу билан бирга ўша даврдаги шу таълим даргоҳини битириб, қишлоқ хўжалиги соҳасида етишиб чиққан кўплаб меҳнат қаҳрамонлари, механизаторлар, "ҳунар - техника таълими аълочиси"лари ҳақида ҳам сўз боради.

Совет ҳукумати ташкил топган дастлабки йилларда большевикларнинг таълимга катта эътибор беришининг ўзига яраша сабаблари бор эди. Аҳолининг саводини чиқариш орқали большевиклар совет тузумининг афзаллигини кўрсатиш, халқни коммунистик мафкура асосида тарбиялаш, тарғибот-ташвиқот ишларини мумкин қадар кенг табақаларга етказиш, кичик миллатларнинг эътиборини қозонишни мўлжаллашган эди. Шубҳасиз, бу каби тадбирлар советларнинг халқ ўртасидаги обрўйини кўтариб, уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлар, коммунистик ақидаларнинг кучайишига хизмат қилар эди. Натижада, чоризм даврида Туркистоннинг туб аҳолиси ўртасида ўқиш-ёзишни билмайдиганлар сони ўртача 80% ни ташкил қилган бўлса,

1930 йилларнинг бошларига келиб саводли бўлганлар сони 80% га яқинлашди.

Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини қуриш учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида иккита механизация билим юртлари ташкил этилади. Булар 1938 йил Термиз шаҳрида, 1939 йилда эса «Ҳазарбоғ» совхозида механизация билим юртлари эди. 1938 йилда эса Деновда мотор-ремонт заводи қурилиб ишга туширилади. Билим юрти дастлаб барак типдаги биноларга жойлашган бўлиб, унда 5 та синфхона, 1 та устахона мавжуд эди. Билим юртининг умумий майдони 3 гектарни ташкил этган эди. 1942 йилда Термиз шаҳрида жойлашган қишлоқ хўжалиги механизаторлари тайёрлаш курси билим юртига кўчирилиб, иккаласи бирлаштирилган.



1943 йилдан бошлаб "Давлат меҳнат резерви" қўмитаси ташкил этган ҳунар мактаблари сафига билим юрти ҳам киритилди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари даврида механизация мактаблари фаоллиги сусайиб, қисқа муддатли курслар фаоллиги ошди.

1945-50 йиллар мобайнида билим юрти 822 нафар малакали ҳунар эгаларини тайёрлаб ишлаб чиқаришга йўлланма берди. 1948 йил 15-майдан ЎзССР совхозлар министри М.Мухамеджанов буйруғига асосан И.В.Бурдин Ҳазарбоғ меҳнат мактабига ўқув бўлими бошлиғи этиб тайинланади. 1954 йилда қишлоқ хўжалик вазирликларига ва давлат хўжаликлари вазирликларига қарашли механизация мактаблари профессионал-техника системасига ўтди. Шу йили билим юрти 22-УМСХга айлантирилди. Бу ўша пайтдаги давлатимиздаги 25 та ҳунар масканлардан бири эди. 1950-54 йиллар давомида билим юрти асосий касбдаги ишчи кадрларни тайёрлашга ихтисослаштирилди. 1959 йилдан бошлаб, билим юрти 22-(СПТУ) қишлоқ ҳунар техника билим юрти деб ўзгартирилди. Шу билан бирга, билим юртида ўқиш муддати камида бир йил бўлди. 1950-54 йиллар мобайнида билим юртига Нуриддин Ғойипов директорлик қилди. Шу йилларда билим юртида қуйидаги асосий касблардаги ишчи кадрларни тайёрлашга ихтисослаштирилди: Тракторчи - машинист (слесарлик малакаси билан бирга);

Пахта териш машинасининг механик хайдовчиси;

Дизель тракторлари машинниги

Механик комбайнчи. 3-класс шоферлари

Бу ихтисосликларнинг ҳар бири аввалгиларига нисбатан анча кенг йуналишга эга эди. 1951-55 йилларда билим юртида 1342 нафар ёшлар ҳунар сирларини ўрганишди. 1954 йилда Ахмат Эшонов директор этиб тайинланди ўша даврда билим юртида қуйидаги кишилар фаолият кўрсатишган: Саидахмедов Ниёз-директор ўринбосари, Шохназаров Шариф-бош уста, Турсунов Йулдош-тарбиявий ишлар буйича директор ёрдамчиси. Ўқитувчилардан: Алиев.С., Шукуров Т, Исмоилов Х. Икромов А. Саидахмедов К. Кабанов Ф. ишлаб чиқариш таълими усталаридан Нурчаев У. ,Тоганов М., К. Шохназаров ва бошқалар.

1958 йилда қабул қилинган мактабни ҳаёт билан боғлаш ҳақидаги қонунга мувофиқ қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва билим юртлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улардаги машгулотлар режимини тартибга солиш ва бу билим юртларини қишлоқ профессионал-техника билим юртларига айлантириш борасида катта ишлар қилинди. 1956-57 йилларда ўқувчилар билан ҳашар йўлида билим юрти ошхонаси куриб ишга туширилди. Шу йилларда "С-80" двигатели орқали ток узатиш станцияси ишга туширилди. 1959 йилдан бошлаб билим юрти 22-(СПГУ) қишлоқ ҳунар техника билим юрти деб ўзгартирилди ва билим юртига 8 йиллик умумтаълим мактабларини тугатган ўсмирлар қабул қилина бошланди. Айни вақтда билим юртида ўқиш муддати камида 1-йил булди. 1956-60 йиллар ичида билим юртидан 2035 нафар ёш ҳунар сирларини эгаллаб чиқдилар. 1959-1961 йиллар мобайнида А.Абдураззоков ва



Х.Хусаинов директорлик қилишди. Шу даврда 2 қавтли 100 ўринли ётоқхона қурилиб, ишга туширилди. 1963 йилдан эътиборан билим юртида кенг йуналишли тракторчи машинист ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлана бошлади. Шунингдек, Давлатимиз қуролли қучлари учун юк автомобили хайдовчилари ҳам тайёрлана бошлади. 1963 йилда билим юртига "Ҳазорбоғ" давлат хўжалигидан 40 гектар ер ўқув ишлаб чиқариш хўжалиги сифатида ажратиб берилди. 1963 йилда Республикамиз бўйича 3 миллион 670 тонна пахта етиштирилган бўлса, шундан 1870 тоннасини қишлоқ хўжалиги ҳунар техника билим юртлари етказиб берган. Бу эса 1962 йилга нисбатан 1070 тонна кўп эди. "Ҳазорбоғ" қишлоқ хўжалиги техникуми шу йили 26,5 ц пахта етиштириб берган. Шу даврда билим юртида С.Қобилов директор эди. Ўқув базаси мустахкамланди. малакали мутахассислар ўқувчиларга ҳунар сирларини ўргатишни бошладилар. Булардан тракторчи бошқариш сирларини ўргатувчи ишлаб чиқариш таълими усталаридан Қ.Саидахмедов, Р.Нигматулин, С.Рахмонов кабилар, автомобиль бошқариш сирларини ўргатувчилардан М.Икромов. Х.Абдуллаевлар яхши натижаларга эришдилар. 1963-64 йилларда Давлат аҳамиятидаги қурилишларида, 1965-66 йиллари Шеробод канали насос станцияси қурилишида билим юрти битирувчилари фаол иштирок этди. 1961-65 йилларда билим юртида 2103 нафар ёшлар ҳунар сирлари эгаллаб чиқишди. Қишлоқ хўжалигидаги кейинги техника тараққиёти, технологик жараёнларнинг

механизациялаштирилиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари механизаторлар меҳнатига бўлган талабни кучайтиради. 1967 йилда билим юртига Турсунов директор этиб сайланди. Ўша даврда янги ўқув хонаси ва устахоналар қурилди, моддий-техника базаси бойитилди.

1966-70 йилларда билим юртини 2494 нафар ёш битириб, ишлаб чиқаришга йўлланма олдилар. Ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрланадиган бу қишлоқ ҳунар техника билим юртида ўқувчиларга касб сирларини ва назарий фанлар асосини ўргатиш учун ягона ўқув тарбия жараёни ташкил этилди. 1971 йилдан бошлаб билим юртида Т.Эшниёзов директор қила бошлади. Ўқувчиларни қабул қилиш тажриба хўжалигидаги пахта ҳосилдорлиги ошди. Ўқув-қуёнчилик фермаси ташкил қилинди. Спорт ишлари жонлантирилди. 1976 йилдан билим юртида ўрганилаётган техникаларнинг турлари кўпайтирила бошланди. Билим юртининг асосий жиҳозлари кенг ихтисосли машинист бўлди. Бу касб эгаси қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча турдаги техникаларнинг сирларини билиши шарт эди. Билим юртида бу муаммо ўз ечимини топа бошлади. Барча ўқув гуруҳлари учун техника беркитилди. Ҳар бир ишлаб чиқариш таълимининг устаси ўз шогирдларига замонавий техникаларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш усуллари ўргата бошладилар. Билим юртини мутахассис кадрлар билан таъминлаш ишлари жонлантирилди. Ўқувчиларга ўз касбининг усталари, олий маълумотли педагоглар таълим ва тарбия бера бошладилар. Кенг йуналишли



тракторчи-машиначи мутахассислиги билан бир каторда кўшимча касбларни ўргатишга ҳам катта эътибор берила бошланди ва 1979 йилдан эътиборан билим юртига А.Тошмуродов директорлик қила бошлади. Шу даврдан бошлаб, таълим системасини қайта ташкил этиш, ўқитишга ижодий ёндашиш бошланди. Таълимнинг хилма-хил замонавий усул услублари жорий қилинди. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилди. Ўқувчиларга назарий ва амалий таълим узвий боғлиқ равишда берила бошланди. Фан тўғараклари техник ижодиёт фаолияти тикланди. Ўқувчиларнинг сиёсий, маданий дунё қарашлари савияси ошди. Билим юртининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди ва бойитилди. Замонавий фан кабинетлари, амалий машгулот хоналари барпо этилишда, 2 та ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхона, 8 оила учун турар жой биноси, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси, маъмурий-маиший бино қурилишида А.Тошмуродовнинг ташаббуси катта бўлди. Ва 1976-80 йиллар мобайнида билим юртини 1220 нафар ёш битириб чиқишди.

А.Тошмуродов раҳбарлик қилган даврда кўшни давлатлар, Россия, Беларус, Афғонистон давлатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Билим юрти 1980 йилдан бошлаб қайта ривожланиш босқичига ўтди. Ўқитишнинг илғор усуллари жорий қилинди. Техниканинг турли-туман хиллари замонавий ўқув жиҳозлари олиб келинди. Натижада 1980 йилда билим юрти ўқув ва ёрдамчи хўжалигида эришган ютуқлари учун ВЦСПСнинг кўчма қизил байроғини ҳамда дипломини олишга сазовор бўлди. 1982 йилда Ўзбекистон

ЛКсм МКнинг Паша Ангелина мукофотини яхши механизаторлар кадрлар тайёрлагини учун олди. 1980-84 йиллар мобайнида Сурхондарё вилоят хунар техника билим юртлари ўртасидаги мусобақада ғолиб деб топилди.

1984 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Хунар-техника Давлат комитетининг 1984 йил 20 августда чиқарган 137-сон буйруғига асосан 1-ўрта хунар - техника билим юрти деб номланди. Бундай номланиш билим юртига бўлган эътиборни оширди.

Мамлакатимиз ва вилоятимизда билим юртининг мавқеи янада ошди. 1985 йили "Юқори маданиятли билим юрти" унвонига сазовор бўлди. 1981-85 йиллар мобайнида билим юртидан 1310 нафар малакали хунар эгалари ишлаб чиқаришга йўлланма олдилар. 1986 йил июнь ойида 1-ўрта хунар техника билим юртида "малакали мутахассис ишчилар тайёрлашни янада такомиллаштириш" мавзусида республика миқёсида ўқув методик семинар бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси табиийки билим юрти обрўсининг ошишига, юксалиш сари қадам ташлашига олиб келди. Билим юртида амалий таълим устахоналари қайта жихозланди. 1986 йилла 2,8 га ер майдонига эга бўлган "Автодром" қурилди. Бу иншоотни қуриш ва бунёд этишди А.Пардаев, Б.Эсонкулов, А.Хўжаназаров, Ш.Бахромов, А.Нурманов, М.Муминов, А.Икромов ва Ф.Рахматовларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб утиш ўринлидир. 1986-90 йиллар мобайнида билим юртини 1408 нафар йигит ва кизлар битириб, ишлаб чиқаришга йўлланма олишди. 1980-90 йиллар мобайнида билим юртида бир нечта ўз



касбининг усталари ва илғор ўқитувчилар фаолият кўрсатишган. Ўқитувчилардан З.Псянов, Р.Нигматулин, Ш.Бахромов, Ф.Алимова, А.Нурманов, А.Икромов, Й.Раззоков, ишлаб чиқариш таълими усталридан Ж. Кодиров, А.Ёрматов, Б.Жалолов, С.Меликулов, А.Ўрмонов, М.Мўминов, А.Абдуллаевлар билан фахрланса бўлади. Уларнинг аксарияти ўқитишнинг илғор усулларини ҳаётга татбиқ этиб, ёшларга пухта билим беришган ва ҳунар сирларини ўргатишган. Билим юрти ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти жуда яхши йулга куйилган. Улар ишлаб чиқариш амалиётини Собик Иттифокнинг турли корхона ва заводларида жумладан Горький автомобиль заводида ва Волгоград трактор заводида ташкил этган. Билим юртининг ўқув - тажриба хўжалиги асосан пахтачиликка асосланган эди. 1989 йилдан бошлаб, ерларни алмашлаб экиш коидалари жорий килинди. Қатор йиллардан буён ўқув тажриба хўжалиги давлатга пахта сотиш йиллик режаларини шараф билан уддалаб келган. Бунинг асосий сабаби техника шарофати туфайлидир. Билим юрти спортчилари вилоят миқёсида ўтказилган спорт мусобақасида фахрли ўринларни эгаллаб келган. Жумладан: кураш бўйича республика чемпиони М.Олтибоев, самбо бўйича республика чемпиони И.Абдураимов, Э.Холиковлар жисмоний тарбия раҳбари спорт устаси Н.Суюнов устозлигида юқори натижаларга эришган. 1988 йилдан бошлаб билим юрти Афғонистон халқ демократик республикасидаги Мазори-шариф шаҳрининг 4-хунар-техника

билим юрти билан дўстлик алоқаларини ўрнатган. 1988-90 йиллар мобайнида Афғонистонлик 200 нафарга яқин ёшлар билим юртида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган. 1989 йилдан бошлаб билим юрти Белоруссиянинг Могилёв вилоятидаги 1-ўрта ҳунар техника билим юрти билан ўзаро ҳамкорлик кила бошлади. 1989 йил барча соҳадаги натижаларнинг якунига кўра 1-ўрта ҳунар техника билим юрти КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС дипломини қўлга киритди. Влксм Мк ларнинг кўчма қизил Байроғи ва дипломини қўлга киритди. Совет ҳукумати даврида мана шу таълим даргоҳини қишлоқ хўжалиги соҳасида кўплаб меҳнат қаҳрамонлари, механизаторлар, "хунар - техника таълими аълочиси"лари етишиб чиққан. Қуйида улардан айримлари билан танишиб ўтамиз. ОТАМУРОД ХУДОЙНАЗАРОВ - 1960 йилла билим юртини тугатган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. ТОЖИ ПАРДАЕВ-1956 йилда билим юртини тугатган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ШОЙМАРДОН ҚУДРАТОВ-1957 йилда билим юртини тугатган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. ЖИЯНҚУЛ РУСТАМОВ-1962 йилда билим юртини тугатган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. ШАРИФ БАХРОМОВ - 1964 йилдан билим юртида меҳнат килган, дастлаб билим юртида ишлаб чиқариш таълими устаси, сўнгра махсус фан ўқитувчиси, кейин катор йиллар давомида механик вазифасида фаолият кўрсатган. Ш.Бахромов фаолияти давомида бир



канча фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

ХАЛИЛ ТЎРАЕВ - 1963 йилдан 1989 йилга қадар билим юртида самарали меҳнат қилган. Дастлаб ишлаб чиқариш таълими устаси вазифасида ишлаган. 1964 йилдан 1988 йилга қадар ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган. Меҳнатда эришган ютуқлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг "Фахрий ёрлиғи" ҳамда "меҳнатда ўрناق курсатгани" учун медалини олишга муяссар бўлди.

НИГМАТУЛИН РАМИЛЬ - 1962 йилдан билим юртида самарали меҳнат кўрсатган. Дастлаб ишлаб чиқариш таълими устаси, сўнгра махсус фан ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон ҳунар техника таълими аълочиси.

ХЎШИН БЎТАЕВ - Билим даргоҳини биринчилардан бўлиб тугатиб, "Ҳазорбоғ" совхозида қишлоқ хўжалигини механизациялаш ишларига катта ҳисса қўшган қишлоқ хўжалиги ходимларидан бири бўлган.

ОЧИЛ АСОНОВ - 1959 йилда билим юртини тугатган. Шундан буён техникага ихлос қуйиб, қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни такомиллаштиришда ва улардан самарали фойдаланишда ўз ҳиссасини

кўшиб келган. У элга танилган механизатор-шоир ҳамдир.

ТИЛОВ ОЧИЛДИЕВ - билим юртини 40-йилларда тугатган дастлабки механизаторлардан бири ҳисобланади. У билим юртида олган билимини пахта далаларида техникани қўллашда сарфлади. Қатор йиллар мобайнида "Ҳазорбоғ" совхозининг 1-бўлимида механик ёрдамчиси вазифасида ишлаган.

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ :

САИДАХМЕДОВ ҚОСИМ - 1950 йилдан билим юртида ишлаб чиқариш таълими устаси, бош уста вазифаларида қарийиб 40 йил баракали меҳнат қилди. 500 нафардан зиёд шогирдларни етиштирди ва уларга мураббийлик қилди. Билим юртининг моддий-техника базасини мустахкамлашда фаол иштирок этди. Улуғ Ватан уруши ветерани, бир неча жангавор медаллар соҳиби. Билим юртидаги меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Ўзбекистон ССР "ҳунар - техника таълими аълочиси".

МИСИРОВ МАМАТ - 1965 йилдан билим юртида фаолият кўрсатган. Улуғ Ватан уруши ветерани, бир неча жангавор медаллар соҳиби, билим юртида бир неча йил мобайнида самарали фаолият кўрсатганлиги учун "меҳнат Ветерани" унвонига сазовор бўлган.

References:

1. Hasanova, N. I. (2021). Challenges In The Development Of The Health System In Surkhan Volume. The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research, 3(02), 63-67.
- Khasanova, N. I. (2019). ACTIVITIES OF CULTURAL AND EDUCATIONAL INSTITUTIONS IN SURKHAN OASIS (In the twenties and thirties of the twentieth century). Ўтмишга назар журнали, 17(3).



2. Ibragimovna, K. N., & Dilmurod o'g'li, B. Q. (2022). Karakalpak Vaxshi and the Art of Music. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY, 3(5), 89-92.
3. Xasanova, N. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ. "Tafakkur" нашриёти.
4. Хасанова, Н. И. (2019). СУРХОН ВОҲАСИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (XX асрнинг 20-30 йиллари мисолида). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (17).
5. Денов қишлоқ хўжалик лицейи. Б. Бекмуродов. Сурхондарё вилоят матбуот бошқармасининг Денов ижара босмахонаси. 1995 йил
6. Денов туман архиви 65-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 14-варақ
7. Денов туман архиви 65-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 10-варақ
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-иш, 5-варақ.
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 241-иш, 72-варақ.
10. «Ленин байроғи» газетаси. 1970 йил, 8 апрель.